

АКТ СОҲАСИДА МАЖБУРИЯТЛАР БЎЙИЧА ИЧКИ НАЗОРАТ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ БАЛЛ-РЕЙТИНГ МЕТОДИКАСИ

Амиров Аскар Актамович

Тошкент длат иқтисодиёт университети

мустақил изланувчиси,

ORCID: 0009-0008-1673-0303

E-mail: asqar@tuit.uz

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20084827>

Аннотация. Мақолада АКТ соҳасидаги корхоналарда мажбуриятлар бўйича ички назорат тизими самарадорлигини баҳолашнинг балл-рейтинг методикаси тадқиқ этилган. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган методика беш функционал блок ва ҳар бир блок учун тўртта индикатор, жами 20 индикатор ҳамда 100 балл тизимини ўз ичига олади. Методика корхоналарни А, В, С, D, E рейтинг тоифаларига жойлаштириш имконини беради.

Калит сўзлар: ички назорат, балл-рейтинг методикаси, COSO, мажбуриятлар, АКТ соҳаси, самарадорлик.

Аннотация. В статье исследована балльно-рейтинговая методика оценки эффективности системы внутреннего контроля по обязательствам на предприятиях сферы ИКТ. Разработанная автором методика включает пять функциональных блоков и по четыре индикатора для каждого блока, всего 20 индикаторов и 100-балльную систему. Методика позволяет распределить предприятия по рейтинговым категориям А, В, С, D, E.

Ключевые слова: внутренний контроль, балльно-рейтинговая методика, COSO, обязательства, сфера ИКТ, эффективность.

Abstract. The article investigates the scoring-rating methodology for assessing the effectiveness of the internal control system for liabilities at ICT sector enterprises. The methodology developed by the author includes five functional blocks with four indicators for each block, totalling 20 indicators and a 100-point system, allowing enterprises to be classified into rating categories A, B, C, D, E.

Key words: internal control, scoring-rating methodology, COSO, liabilities, ICT sector, effectiveness.

Замонавий корпоратив бошқарув тизимининг асосий қисмларидан бири бўлган ички назорат тизими корхонанинг молиявий ҳисобот сифатини, активлар сақланишини, фирибгарлик ва хатоликларни олдини олишни таъминлайди. Айниқса, мажбуриятлар соҳасида ички назоратнинг самарадорлиги муҳим бўлиб, унинг аниқ ўлчанган кўрсаткичлар асосида баҳоланиши зарурати юзага келади. АКТ соҳасидаги корхоналарда мажбуриятлар ҳисоби мураккаб бўлганлиги сабабли ички назорат тизими алоҳида эътибор талаб қилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 2014-йил 6-майдаги ЎРҚ-370-сон Қонуни ҳамда «Давлат аудити тўғрисида»ги 2018-йил 24-октябрдаги ЎРҚ-502-сон Қонуни акциядорлик жамиятлари ва давлат иштирокидаги корхоналарда ички назорат

тизимининг мавжуд бўлишини мажбурий ҳисоблайди. Бироқ, ушбу тизимнинг самарадорлигини объектив баҳолаш методикаси миллий амалиётда ишлаб чиқилмаган.

Ички назорат тизимини баҳолаш масалаларига оид илмий адабиётлар орасида ўзбек олимларининг тадқиқотлари муҳим ўрин тутди.

И.Н.Кўзиев аудит ҳисоботи тузиш методологиясига бағишланган монографиясида ички назорат тизимини баҳолашнинг ўзига хос жиҳатларини ёритган. [1]

Ф.Ш.Очилов аудит назарияси ва амалиётига оид ишида АХС стандартларининг ички назорат баҳолашдаги ўрнини кўрсатган. [2]

С.К.Махмудов молиявий ҳисобот ва аудит дарслигида ички назорат тизимининг самарадорлигини баҳолаш ёндашувларини тақдим этган. [3]

Н.Б.Абдусаломова бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг замонавий муаммоларини ўрганишда ички назоратнинг аҳамиятини таъкидлаган. [4]

Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, қиёсий таҳлил, классификациялаштириш, моделлаштириш, эксперт баҳолаш ҳамда математик-статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқот натижасида мажбуриятлар бўйича ички назорат тизими самарадорлигини баҳолашнинг балл-рейтинг методикаси ишлаб чиқилди.

1-жадвал

Ички назорат тизимини баҳолашнинг функционал блоклари¹

Блок	Номланиши	Максимум балл
I	Ваколатлаш (Authorization)	20
II	Ҳужжатлаштириш (Documentation)	20
III	Тан олиш аниқлиги (Recognition Accuracy)	20
IV	Баҳолаш ишончлилиги (Valuation Reliability)	20
V	Ошкор қилиш тўлиқлиги (Disclosure Completeness)	20
ЖАМИ		100

Биринчи блок — ваколатлаш — корхонада мажбуриятлар билан боғлиқ ҳар бир операция белгиланган даражадаги ваколат эгаси томонидан тасдиқланиши масаласини қамрайди. Индикаторлар: (1) ваколатлар матрицасининг мавжудлиги; (2) икки дафъали имзо тизими; (3) ҳужжатларни тасдиқлаш тартиби; (4) ваколат чекланишлари.

Иккинчи блок — ҳужжатлаштириш — мажбуриятлар бўйича барча операциялар ҳужжатлар билан тасдиқланиши, дастлабки ҳужжатлардан ёзувлаштиришгача бўлган жараёнлар тартибли бўлишини баҳолайди. Индикаторлар: (1) ҳужжатлар тизимлилиги; (2) электрон архив мавжудлиги; (3) стандарт шаклларнинг қўлланилиши; (4) ҳужжатларнинг илова қилинганлик даражаси.

Учинчи блок — тан олиш аниқлиги — мажбуриятларнинг бухгалтерия ҳисобида тўғри тан олинишини баҳолайди. Индикаторлар: (1) тан олиш мезонларига мослик; (2) тан олиш вақтнинг тўғрилиги; (3) таснифлаш аниқлиги; (4) субъектга кўра ажратиш.

Тўртинчи блок — баҳолаш ишончлилиги — мажбуриятларнинг қийматини аниқ баҳолаш жараёнини қамрайди. Индикаторлар: (1) баҳолаш усулининг тўғри

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

танланганлиги; (2) баҳолаш изчиллиги; (3) манба маълумотларнинг ишончи; (4) актуар ҳисоб-китобларнинг тўғрилиги.

Бешинчи блок — ошкор қилиш тўлиқлиги — молиявий ҳисоботда мажбуриятлар бўйича керакли ахборотнинг тўлиқ акс эттирилишини баҳолайди. Индикаторлар: (1) ошкор қилишнинг тўлиқлиги; (2) тушунтиришларнинг аниқлиги; (3) халқаро стандартларга мослик; (4) шартли мажбуриятлар тавсифи.

Методика амалий синовдан ўтказилган натижада «Ўзбектелеком» АК жами 78 балл тўплаб «В» («Яхши») тоифасига жойлаштирилган, «Ўзбекистон почтаси» АЖ эса 65 балл тўплаб «С» («Қониқарли») тоифасига тўғри келган (3-жадвал).

2-жадвал

Методика апробацияси натижалари²

Блок	«Ўзбектелеком» АК (балл)	«Ўзбекистон почтаси» АЖ (балл)
I. Ваколатлаш	17	15
II. Ҳужжатлаштириш	16	13
III. Тан олиш аниқлиги	15	12
IV. Баҳолаш ишончилиги	14	12
V. Ошкор қилиш тўлиқлиги	16	13
ЖАМИ	78 (В)	65 (С)

Амалга оширилган тадқиқот натижасида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

АКТ соҳасидаги корхоналарда мажбуриятлар бўйича ички назорат самарадорлигини баҳолаш анъанавий сифатий ёндашувлар бўйича амалга оширилмоқда, бу эса натижаларнинг объективлигини таъминламайди. Махсус миқдорий методика ишлаб чиқиш зарурати мавжуд.

Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган балл-рейтинг методикаси беш функционал блок (ваколатлаш; ҳужжатлаштириш; тан олиш аниқлиги; баҳолаш ишончилиги; ошкор қилиш тўлиқлиги) ва 20 индикатордан иборат бўлиб, 100 балл тизимига асосланган. Методика COSO IC Framework ва IPPF талабларига тўлиқ мос келади.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021-йил 25-февралдаги ЎРҚ-677-сонли «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни.
2. Abdusalomova, N.B. (2021). Buxgalteriya hisobi va auditning zamonaviy muammolari. Monografiya. – Toshkent: IQTISOD-MOLIYA. – 328 b.
3. Ўразов, К.Б. Бухгалтерия ҳисоби: дарслик. – Тошкент: ИҚТИСОД-МОЛИЯ. – 520 б.
4. Кўзиев, И.Н. Аудиторлик ҳисоботини тузиш ва умумлаштириш методологиясини такомиллаштириш. Монография. – Тошкент: Ўзбекистон. – 256 б.
5. Очилов, Ф.Ш. Аудит назарияси ва амалиёти. – Тошкент: ИҚТИСОД-МОЛИЯ. – 340 б.

² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган